




Оқсарой



Оқсарой — Шахрисабздаги меъморий ёдгорлик (1380—1404). Амир Темур курдирган. Шаҳарнинг шим.шаркидаги бош майдонда жойлашган.

Бир замонлар мухташам, ҳашаматли бўлган бу саройнинг бизгача емирилиб, ҳароба ҳолга келган улкан пештоғи, икки чеккасидаги минораси, сарой пойдеворининг бир қисмигина сақланган. Оқсаройнинг ҳозирги кўриниши ҳам салобатли ва гўзалдир. Бу салобатлилиқ ва гўзалликка гишталарнинг яхлит бўлиб кўринишини таъминлаш — олд ва шим. девор юзасини сиркор парчинлар билан бир текисда ишлаш туфайли эришилган. Пешток равогининг эни 22,5 м, бал. 40 м, умумий бал. 50 м дан ошади. Пешток минораси ичидаги айланма зина орқали юқорига чиқилган.

Оқсаройнинг аввалги ҳолати тўғрисида фақат ёзма манбаларга қараб фикр юритиш мумкин. 20 й. давомида қурилган бу бино тўғрисида Абдураззок Самарқандий қуйидагича маълумот беради: "Темур ишга яроқли бўлганларнинг ҳаммасини Хоразмдан Мовароуннахрга кўчириш учун буйруқ берди... Хоразмлик усталар баланд ва салобатли сарой қуришди, ҳозир у Оқсарой номи билан машҳур". Клавихо саройни кўздан кечирганда (1404, 29 авг .) у ҳамон қуриб битказилмаган, баъзи жойларининг қошинли нақшлари тугалланмаган эди. Шунга қарамай, жуда хайратланганлигини, унинг ниҳоятда гўзаллигини ёзади. Сарой қурилишида хоразмлик усталар қатори, маҳаллий ва б. давлатлардан келган усталар ҳам қатнашган. Пештоғидаги ёзувлар орасида эронлик Муҳаммад Юсуф Табризий номи 2 марта такрорланган.

Ёзма манбаларга кўра, Оқсарой турар жой ва жамоат биноси сифатида қурилиб,

хоналар ховли атрофида жойлашган. Бобур маълумотларига кўра, ховли ўртасида ховуз, тўрида гумбазли катта хона — девонхона, ёнларида маслахатчилар учун кичик хона, хашаматли равокли бостирмалар, ички томонида харам ва амирнинг хонаси жойлашган. Девонхона пештогида арслон ва қуёш тасвири ва Темур давлатининг 3 халка шаклидаги нишони бўлган. Гумбаз ичи ва ёнларига, бурчаклардаги минораларга қошин-ғиштлардан қалқон шаклидаги ғирих нақшлар ишланган. Бу нақшлар силликланган ғишт ва феруза рангли сиркор парчиндан ёзилган қуфий хатлар замини йўгон кўк белбоққа ўхшаш муҳассамотни ташкил этган. Оксарой деворларидаги ранглар жилоси, тарихий, фалсафий ва диний мавзудаги, қуфий, сулс ёзувлари, қошинқори безаклар, ислимий, ғирих нақшларнинг ўзаро уйғунлиги бинога ажойиб ва сеҳрли мазмун бағишлаган. Рангларнинг ой ёруғида жилоланибоқариб кўринишидан бино Оксарой деб номланган.

Саройнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — том тепасига ишланган ховуздир. Ховузга сув Тахтакорача довонидан кўргошин қувурлар орқали оқиб келиб, ундан шаршара ҳосил қилиб пастга туширилган.

1707 й.да Бухоро хони Ўбайдуллахон Оксарой пештоғи остида тож қийиб, тахтга ўтирганлиги пештоқнинг ўша пайтда бутун эканлигидан дарак беради. 1973— 75 й.ларда археологик тадқиқотлар, 1994—96 й.ларда консервация ишлари олиб борилган.